O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 июл сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 149 (2711)

## «МАГНУМ»НИНГ АЪЛО НАТИЖАСИ

**Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли ширкат хўжалиги механизаторлари Бахтиёр Шарипов ва Дилшод Ортиқов 7250-моделли «Магнум» тракторларида 20 минг соат капитал таъмирсиз ишлашди.**



20 мингни саккизга («Магнум»нинг тахминий «иш куни») бўламиз, бунда 2500 кун эканлиги маълум бўлади ёки бу муддат 6 йилдан зиёд (байрам ва дам олиш кунлари билан) фойдали иш демакдир. Бу «Магнум»лар («Кейс» компаниясининг бошқа техникалари каби) Ўзбекистон шароитида ҳам ўзининг бекиёс хусусиятларини намоён этаётганлигидан далолатдир.

Бу натижаларга, рўй-рост айтганда, асосан механизаторлар («Кейс» компаниясида уларни операторлар дейишади)нинг маҳоратлари туфайли эришилмоқда. 1995 йилнинг октябр ойида Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли хўжаликка иккита «Магнум» тракторини келтиришганида янги техникани механизаторлар ичида энг чаққонлари — Бахтиёр Шарипов ва Дилшод Ортиқовга ишониб топширишди. Улар ўшанда энг моҳир мутахассис саналиб, уч йилдан зиёд механизаторлик иш стажига эга эдилар. Бироқ «Магнум»ни бошқариш учун бир ой махсус курсда сабоқ олиш, сўнг яна иш ўрганишга тўғри келди. Эндиликда бу мураккаб техникани ишонч билан эплашяпти.

Мана, яқинда ҳар иккала «Магнум»нинг кўрсаткич асбоблари 20 минг мото-соат таъмирсиз ишлаганлигини ифода этувчи натижани кўрсатди, бу Ўзбекистон учун рекорд иш унуми саналади. «Кейс» комиссияси ваколатхонаси раҳбарлари иккала операторни бу ажойиб муваффақият билан самимий қутлашди. «Магнум»лар ҳайдаган дала четида тантанали вазиятда «Кейс» компаниясининг махсус лойиҳалари бўйича Ўзбекистондаги директори, жаноб Адриан Маршалл Бахтиёр Шарипов ва Дилшод Ортиқовга биттадан LG русумли рангли телевизор топширди. У механизаторлар иш натижаларидан чуқур қониқиш ҳосил қилганини билдирди, иккала оператор маҳаллий кадрларнинг касб маҳорати ошиб бораётганлиги, уларнинг замонавий техникани эгаллашда зийракликларини таъкидлади. Айниқса республика раҳбариятининг мамлакат қишлоқ хўжалигини энг мукаммал техника билан таъминлашга катта эътиборини ва бу ишга «Кейс» компаниясининг яқиндан ёрдам беришга интилишини алоҳида таъкидлади.

Механизаторларни «Ўзкейссервис» вилоят корхонаси директори Ислом Оқмирзаев, хўжалик раҳбарлари, ҳамкасб дўстлари ҳам табриклашди.

Тантана сабабчилари ўз меҳнатлари шунчалик юксак баҳолангани учун миннатдорчилик билдириб, «Магнум»да ишлаш улар учун жуда мароқли эканлигини қувониб таъкидлашди. Илгари эски техникада ишлашганида кун охирида ҳолдан тойиб қолишар, энди эса умуман чарчоқ нималигини билишмайди. «Магнум» кабинасида оператор учун тўла қулайлик яратилган: енгил бошқариладиган ўриндиқ, олд томоннинг кенг ва очиқлиги, қўлга яқин жойдаги кўрсаткич асбоблар, радио, совутгич... Бундай шароит — ҳар бир механизаторнинг орзуси. Лекин энг муҳими «Магнум» — серунум машина. Шудгор чуқурлиги 40 сантиметр бўлишини таъминлайди. Ер ҳайдашда иш унумдорлиги соатига бир гектардан кам эмас. Шиналарнинг кенг қамровда бўлиши тупроқни қотириб юбормайди. Ҳаракатнинг юқори тезлиги туфайли бир куннинг ўзида узоқ далаларга ҳам бориб келиши мумкин. Шундай техника ихтиёримизда бўлгач, дейишади хўжалик бош муҳандиси Абдумалик Оймаматов ва бош агроном Толиб Отабеков, барча дала ишларини мақбул муддатларда аъло сифатда амалга ошириш имконига эга бўламиз.

Энг муҳими, «Магнум» битта шартга амал қилинганда — яъни тўғри ишлатилганда, техник хизмати яхши йўлга қўйилганда узоқ йиллар иш беради. «Кейс» компаниясида техникани намунали ҳолатда сақлаш имконини берадиган сервис хизматининг аниқ тизими ишлаб чиқилган. Усмон Носир номли ширкат хўжалигида айни шу тизим туфайли юксак натижага эришилди. Бунда нафақат механизаторлар, балки хўжаликнинг ва «Ўзкейссервис» хизмати раҳбарларининг ҳам ҳиссаси бордир. Бу ютуқ аграр бизнесда «Кейс» компанияси техникасига бемалол ишониш мумкинлигини яна бир бор кўрсатади.

**С.ОЗОДОВ.**

**Мамлакатимизга Хитой Дўстона хорижий алоқалар жамияти раҳбари ўринбосари Ли Чансун бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.**

## МАҚСАД — ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ташриф бошида меҳмонлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатлар билан бирга, дўстлик ришталарини ҳам мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида ҳам учрашув ўтказди. Унда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган битим лойиҳаси муҳокама қилинди. Беш йилга мўлжалланган бу ҳужжат икки давлатнинг маданий-маърифий, илмий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришни кўзда тутади.

Хитойлик меҳмонлар Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасида ҳам бўлди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори билан парламентнинг навбатдаги олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, 30 июл куни мазкур ишчи гуруҳи ўзининг биринчи йиғилишини ўтказди.**

Депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров йиғилишни очар экан, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги тантаналари арафасида ўтишига урғу бериб, бу ҳол бўлғуси сессияни сиёсий, ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш юзасидан барча депутатлар ҳамда Олий Мажлис Котибияти ходимлари зиммасига қўшимча масъулият юклашини алоҳида таъкидлади. Депутатлар самарали иш олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга омилкорлик билан ёндашиши кераклиги қайд этиб ўтилди. Сессиянинг муваффақиятли ўтиши парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партиялар депутатлик фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлари блокларининг бу анжуманга қай даражада тайёргарлик кўришларига боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди. Бунинг учун сессия муҳокамасига киритилаётган барча ҳужжатларнинг лойиҳалари ўз вақтида сифатли тайёрланишини таъминлаш, шунингдек ташкилий ва техникавий йўсиндаги бошқа бир қанча масалаларни ҳал этиш зарур.

Депутатлар ишчи гуруҳининг фаолиятини пухта ташкил этиш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларини вақтида тайёрлаш сессияга доир материалларни депутатларга барвақт етказилишини таъминлаш, норматив ҳужжатларнинг лойиҳалари бўйича тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш биринчи кичик гуруҳнинг асосий вазифаси деб белгиланди. Ушбу кичик гуруҳга Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси М.Сафоева раҳбар этиб тайинланди.

Ёшлар ишлари қўмитасининг раиси Азамат Зиё раҳбарлик қиладиган иккинчи кичик гуруҳ парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиши, «Рада-Мажлис» овоз бериш электрон тизими аниқ ишлаши, ялпи мажлислар залида синхрон таржима таъминланиши, журналистларни аккредитация қилишга тааллуқли масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси И.Қаландаров раҳбарлигидаги учинчи кичик гуруҳ сессияга келган депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, сессия қатнашчиларига транспорт, тиббий, маиший, маданий ва бошқа йўналишда хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш масалаларини ҳал этади.

Депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилишида келгусидаги ишлар режаси тасдиқланди ҳамда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир турли масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Кичик гуруҳлар амалга ошириш зарур бўлган тадбирлар режасини мустақил ишлаб чиқишларига, депутатлар эса ўзларига топширилган вазифаларни алоҳида назорат остига олишларига келишилди. Айни пайтда тайёргарлик асносида чиқиб қоладиган барча масалалар юзасидан мунтазам фикрлашиб туришга, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида ўзаро амалий ёрдамлар кўрсатиб туришга қарор қилинди.

## ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ОШДИ

**Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлисида жорий йилнинг биринчи ярмида республика назорат идоралари томонидан ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш натижалари кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов бошқарди.**

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 июлдаги мажлиси қарорларини бажариш, текширувларни тартибга солиш ва қисқартириш, назорат идораларининг хўжалик субъектлари, биринчи галда кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйишга оид вазифалар муҳокама этилди. Мазкур масалалар юзасидан Кенгаш раисининг ўринбосари — Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаев ва Адлия вазири А.Полвонзода сўзга чиқди.

Таъкидландики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан текширув ўтказилган хўжалик субъектлари сони 40 фоизга камайди. Назорат идоралари фаолиятининг самарадорлиги ошди, ҳисобот даврида улар томонидан ўтказилган текширувларнинг учдан икки қисми хўжалик субъектлари ишида камчиликлар ва қонун бузилиши ҳоллари мавжудлигини кўрсатди, бу ҳолатлар бўйича 85 миллиард сўм миқдорида молиявий жазо чоралари қўлланди.

Шу билан бирга, қайд этилдики, назорат идоралари томонидан текширувлар ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда, натижада хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари содир этилмоқда. Бундай ҳолатлар жорий йилнинг биринчи ярмида Ер ресурслари давлат қўмитаси, Давлат ёнгин назорати бўлими, Бошдавтехназорат инспекцияси, Давлат наслчилик инспекцияси, Давлат ветеринария бош бошқармаси ва баъзи бошқа назорат идоралари фаолиятида, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ва бир қатор бошқа вилоятларда кузатилди.

Мажлисда хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш борасидаги қонунчиликнинг ижросини таъминлаш бўйича Кенгаш Сурхондарё ҳудудий комиссиясининг фаолияти муҳокама этилди. Бу ҳақда комиссия раиси — Сурхондарё вилоят ҳокими Б.Олимжонов ахборот берди.

Кенгашнинг вилоят комиссияси, Сариосиё, Шеробод, Қумқўрғон, Бойсун, Ангор ва баъзи бошқа туманлар комиссиялари тегишли ҳудудларда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга етарли эътибор қаратмагани таъкидланди. Туман миқёсидаги комиссиялар мажлислари кўпинча расмиятчилик учун ўтказилади, уларда назорат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ҳисоботлари мунтазам муҳокама қилинмайди, мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмайди.

(Давоми 2-бетда).

2001 йил — Оналар ва болалар йили

## СОҒЛОМ жамият асоси



**Феруз НАЗИРОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири.**

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллик айёмимиз нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Бу йил биз бу кунни алоҳида кўтаринки кайфиятда нишонлаш ҳаракатидамиз. Зеро, мамлакатимиз Истиқлолга эришганига ўн йил тўлмоқда.

Ўтган ўн йил ичида республикамизда мисли кўрилмаган сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Жамиятимизнинг қайси соҳасини олманг, у албатта ривожланишга, тараққиётга юз тутди.

Жумладан, инсонларнинг соғлиғини муҳофаза қилишдек эзгу мақсадда йўлналтирилган тиббиёт тизимида ҳам оламшумул ўзгаришлар юз берди.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз И.Каримов саъй-ҳаракатлари билан 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил эса «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги, бу борада махсус давлат дастурлари қабул қилинганлиги бизнинг иш фаолиятимизга ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатди.

Очиғини тан олиш керак, мустақилликка эришилгунга қадар республикамизда оналар ва болалар саломатлиги қониқарсиз аҳволда бўлиб, улар ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари юқори даражада эди. Аёлларнинг саломатлиги ночорлигига қарамасдан туғилиш кўрсаткичи ҳам юқори эди. Туғиш ёшида бўлган аёллар саломатлигининг заифлиги ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларининг асоратли ўтишига, ҳомиланинг вақтига етмай эрта туғилишига ёки ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиб кетишига, натижада она организмининг баттар хасталанишига олиб келар эди. Ўз вақтида туғилган чақалоқларнинг ҳам аксарияти кам вазнли, туғма нуқсонли, тез-тез касалликка чалинувчи, нимжон ва ногирон бўлар эди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республика раҳбарияти бундай вазиятни тубдан яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига устувор йўналиш беришга киришди. Республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг янги концепцияси ва махсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

## Марказий Сайлов комиссиясида

2001 йил 29 июл якшанба куни 14 та сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайлови бўлиб ўтди.

Тегишли округ сайлов комиссияларидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, 10-Чуқурсой сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 81,3 фоизи, 31-Балиқчи сайлов округида 95,2 фоизи, 46-Пойтуғ сайлов округида 95,8 фоизи, 118-Пайариқ сайлов округида 90,8 фоизи, 133-Сардоба сайлов округида 97,8 фоизи, 139-Термиз сайлов округида 83,4 фоизи, 147-Сариосиё сайлов округида 95,4 фоизи, 152-Олмалиқ сайлов округида 90,1 фоизи, 177-Қайнар сайлов округида 95,6 фоизи, 217-Қарши сайлов округида 93,8 фоизи, 219-Ғузор сайлов округида 91,3 фоизи, 220-Деҳқонобод сайлов округида 97,5 фоизи, 221-Қамаши сайлов округида 97,6 фоизи, 236-Яккабоғ сайлов округида сайловчиларнинг 92,9 фоизи овоз беришда иштирок этдилар.

Сайлов якунлари тўғрисидаги тўлиқ ахборот, сайланган Олий Мажлис депутатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганларидан сўнг, республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**Марказий сайлов комиссияси Матбуот гуруҳи.**

*Долзарб мавзу*

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

***Ҳукуматимиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам ташлади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қароридир. Мазкур қарорнинг моҳияти, уни ижро этиш механизмлари ҳақида сўзлаб бериш учун биз Марказий банк раиси ўринбосари Ашур ҚОДИРОВга мурожаат қилдик.***

— Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида Президентимиз томонидан имзоланган мазкур қарор илмга чанқоқ ёшларимизга, уларнинг оилаларига берилган ажойиб тухфа бўлди. Унинг қабул қилиниши мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш йўналишидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоя тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ифодасидир.

Эътиборли томони шундаки, ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши натижасида тижорат банклари ўз ресурслари ҳисобидан келажагимиз бўлган ёшларнинг илм олишига молиявий кўмаклашиш мақсадида уларга таълим кредитлари беришдек хайрли ишга бел боғладилар.

Мазкур қарор билан бирга тасдиқланган Низом асосида бериладиган кредитлар имтиёзлидир. Унинг имтиёзга эгалиги, биринчидан, қарорнинг 3-бандида кўрсатилганидек, чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз таълим кредитлари берилади. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабалар эса кредит учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоизда ҳисобланган суманинг фақат 50 фоизини тўлайдилар. Қолган 50 фоизи эса Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Иккинчидан, таълим кредити учун тўланадиган фоиз ставкаси юқори даражаси чегараланади. Яъни бундай ҳолатда тижорат банклари жуда паст фоизларда, ҳатто фоизсиз кредит беришлари мумкин.

Учинчидан, шартнома суммасининг иккига бўлиб тўланиши натижасида тўланадиган фоизлар суммаси анча пасаяди.

Тўртинчидан, ушбу кредитларни қайтаришда имтиёзли давр мавжуд. Таълим кредитларини қайтариш талаба ўқишни тугаллаганидан уч ой ўтганидан сўнг бошланади. Ушбу имтиёзнинг аҳамияти шундан иборатки, тўлов-контракт асосида олий таълим муассасасига

(Давоми 2-бетда).

## БОЖХОНАЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлди***

Қўмита раиси Ў.Комилов бошқарган ушбу тадбирда асосий эътибор мазкур муассасанинг жорий йил биринчи ярмидаги иш якунлари ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

Мажлисда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, божхона органларида кадрларни танлаш, шахсий таркиб ўртасида қонунчиликка қатъий риоя этиш борасида қилиниши зарур бўлган ишлар кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, чегараларда божхона назоратини кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Айни пайтда божхоначилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири мамлакатимизга турли жиноий гуруҳлар, контрабанда ва гиёҳванд моддаларнинг кириб келишига йўл қўймасликдир. Шу боис ҳайъат мажлисида бу борада барча ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳамда маҳалла фаоллари, халқ посбонлари билан ҳамкорликда ишлашни янада кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

**(ЎзА).**

*Истиқлол мевалари*



**Навбаҳор туманидаги Собир Раҳимов номли 17-мактабни кўпчилик шундай эътироф этади. Бу даргоҳ «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги ижросига яққол мисолдир.**

**Олис қишлоқ четида жойлашган билим маскани билан танишган кишининг қалбидан «Ҳамма мактаблар ҳам шундай бўлсайди» деган фикр кечиши аниқ. Шарт-шароитлар, ўқув-тарбия жараёнининг ўзига хослиги, хоналарнинг жиҳозланиши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билимдонлигини кўриб сиз ҳам шундай фикрга келасиз.**

# ЯНГИ АСР МАКТАБИ

Хўш, шундай салоҳиятга эга бўлган кошонада таълим-тарбия жараёни қай аҳволда? Бир сўз билан айтганда — аъло. Буни қуйидаги мисоллар ҳам кўрсатиб турибди.

1998 йилда мактаб битирувчиларининг 73 фоизи, 1999 йилда 80,8 фоизи, 2000 йилда эса 78 фоизи олий ўқув юртлари талабалари бўлишди. Иқтидорли, ўқувчилар жалб этилаётган «Олимпиада захираси» мактабининг ўрни беқиёс. Ҳар йили туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари ғолиблари ичида шу даргоҳ ёшларини учратиш мумкин. Қобилиятли ўқувчилар кўрик-танловларидаги ютуқлар янада салмоқли. Айниқса, зардўзлик, ганчкорлик, ўлкашунослик, мусаввирлик йўналишлари бўйича танловларда ўнлаб ўқувчиларнинг маҳоратлари вилоят ва республикада тан олинган. Мактабда тарих, кимё, биология, ҳуқуқшунослик, касб-ҳунар ва иқтисод сабоқлари фанларидан чуқурлаштирилган таълим берилади, билимлар рейтинг тизимида баҳоланади. 6-7 ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш ва қабул қилиш, юқори синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш бўйича ташхис маркази ўтказаётган педагогик-психологик тадбирлар мақтовга лойиқ. 9-синф битирувчиларининг касб танловлари компьютердаги махсус тест синовлари орқали аниқланади.

Ўқувчилар билимини янада чуқурлаштириш мақсадида 18 та тўгарак ишлаб турибди. Уларда 450 ўқувчи қатнашмоқда. Физика тўгарагида ўзи юрар самолёт, ўзи юрар трактор, электротабло каби асбоблар ўрнатилган бўлса, меҳнат тўгарагида ёғочга ишлов берувчи бир нечта митти-дастгоҳлар ясалган. Бешик, сандиқ каби миллий ҳунармандчилик жиҳозлари ўқувчилар қўли билан яратилиб, бозорга чиқарилаяпти.

60 нафар ўқитувчининг ҳаммаси янги педагогик технология ва инновация асосида таълим бериш йўлида изланишади, дарснинг кўргазмалигига катта эътибор беришади. Жумладан, олий тоифали физика ўқитувчиси Н.Қосимов «Билимингни сина», «Ўйла, изла, топ» каби электрлашган кўргазмали асбоблар ясаб, ўқувчилар зеҳнини, интилишини оширишга эришаяпти. Кимё ўқитувчиси Ю.Рафиқов кашфиёти — ношаффоф материалларда акс этган расм ва чизмаларни кўрсатадиган асбобдан турли фанларда фойдаланилаяпти. М.Ҳосилова, З.Сафоева, Р.Шаропов, Т.Санаевнинг янги педагогик технология асосида билим бериш тажрибалари ҳам диққатга сазовор.

Муаллимлар жамоаси тўлиқ шу даргоҳнинг собиқ ўқувчиларидир. Кадрлар тақчиллиги сезилмайди. Мактабни битириб кетган ўқувчиларнинг ҳар бири қаерда ишлаётгани, қандай ютуқларга эришаётгани ҳақидаги маълумотлар ҳам жамланганки, танишсангиз, бу ер чинакам кадрлар ўчоғи эканлигига тан берасиз.

— Бу мактаб билан фахрланамиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Холиқ Ёқубов. — Қайси бир соҳани олманг, ўзига хослик, таълим ва тарбия бирлигига дуч келасиз. Буларнинг барчаси мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, туман кенгаши депутати Норпўлат Қосимовнинг фидойилиги, тадбиркорлиги натижасидир.

— Ҳомийларимиз собиқ ўқувчиларимиз, — дейди директор. — Аммо биз асосий эътиборни ўз кучимиз билан маблағ топишга қаратганмиз. Бултур 1 миллион сўм атрофида турли йўналишлар бўйича пул тўпладик. Ҳозир жорий ҳисобимизда 2 миллион сўмга яқин маблағ бор.

Биз ушбу мактаб мисолида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнининг ҳаётдаги инъикосинигина эмас, келажаги буюк давлатимизнинг эртасини ҳам кўрдик. Билим даргоҳи шу йил ўтказилган «Йил мактаби» республика кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаганлиги ҳам бежиз эмас.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

# «ХАНТИ» АДАСИ ҲАҚИДА...

**«Ханти» — ким бўлди, экан? Бу саволга Ҳабибулла Қодирийнинг Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида 1983 йил чиққан «Отам ҳақида» хотира китобининг 52-саҳифасидан жавоб топдик. Ана шу сатрларни тўлиқ келтирамиз:**

**«1925 йил ёз ойлари бўлса керак, Қодирийнинг «Хантининг адаси» номли болаларга аталган китобчаси босилиб чиқди. Бир-икки ёшли Адиба синглим шу чоғларда жуда севимли бўлган, уни дадам негадир «Ханти» деб севар эдилар...» деб ёзади Ҳабибулла Қодирий.**

**Ўша «Ханти» бугунги кунда 75 ёшни қаршилаб турибдилар. Абдулла Қодирийнинг учинчи фарзанди Адиба ая Абдуллаева қатағон даврининг тирик гувоҳи. Турмуш ўртоғи Муҳаммаджон Одилов билан олти нафар фарзандни вояга етказишди. Фарзандлари бугун турли жабҳаларда элнинг хизматида.**

— Ростини айтсам, — дея ҳикоя қилади ая, — дадам чин маънодаги эъзозга мустақилликка эришганимиздан сўнг сазовор бўлди. Юртбошимиз фармонлари билан Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилди. Унинг номи билан аталувчи халқ мероси нашриёти ташкил топди. Маданият институтига номи берилди. Пойтахтимиздаги гўзал кўчалардан бири ва метронинг янги барпо этилаётган «Юнусобод» йўналишидаги бекатлардан бири ҳам дадамнинг номлари билан юритилмоқда. Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қад ростлади. У ерда юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган кўплаб турли соҳа вакили бўлган ҳамюртларимиз қатори Абдулла Қодирийга ҳам эҳтиром билдирилди. Ана энди, падарим орзу қилган замонлар етиб келди. Худодан илтижо қиламанки, Ватанимизнинг адолатпарвар раҳбари халқимизнинг бахтига доим омон бўлсин!

**— Адиба ая, тўғри таъкидладингиз, бугунги ҳурлик ўз-ўзидан бўлган эмас. Унинг қадрига етишимизда, бугун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга интилишимизда Қодирийлар кечирган таҳликали кунлар ҳам сабоқ бўлиши мумкин...**

— Отамни олиб кетишганини яхши эслайман. Биз лотин алифбосида дарс ўқирдик. Етти ёшда мактабга борганман, ҳамма Қодирийнинг қизи, деб ҳурмат қиларди. Ҳовлимиз икки қават эди. Пастда отам ижод қилардилар. Болалигимда шўх эдим, можаролар қилиб отамнинг олдига кириб қолардим. Улар эркалаб «қани, қани нима бўлди?» — дердилар кулиб. Сўнг қўлимга ширинликлар бериб, ардоқларди. Отам уйда оқ иштон, оқ кўйлак кийиб олиб, кетмон кўтариб роса ер чопардилар. Чиройли жўяклар тортиб бир томонга картошка, бошқа ёққа гуллар экиб, обод қилардилар. Бундан ташқари, боғни чопиш, дарахтларни парваришлаш, асаларига қарашни ҳам ўзи эпларди. Абдулла Қодирий ишга жуда пишиқ эди. Балки, тиниб-тинчимаслиги унинг довруғ қозонишига сабабчидир. Бундан ташқари, меҳрибон инсон эди. Озодаликни ёқтирарди. Хазонрезги пайтида ҳам боғларимиз тоза турарди. Намоз ўқиб, рўзани канда этмасдилар. Онам саҳарликка овқат пишириб, ифторликка сомса ёпиб тайёргарлик кўрарди. Отамнинг қаттиқ гапларини ҳеч ҳам эшитмаганман. Қийинчиликлар отамни нотаниш одамлар олиб кетишгач бошланди. Қодирий ёзганидек, ҳаётимиздаги «Энг қора кунлар», айнан қатағон даври эди. Эсласам, юрагим орқага тортиб кетади, шу кунлардаги эмин-эркин ҳаётга шукроналар айтаман.

Мана отамнинг китоблари қайта-қайта босиляпти. «Ўткан кунлар» янгидан фильм қилинди. Бир вақтлар Қодирийнинг қизиман, дейишдан қўрқардим, энди эса кўзларимга севинч ёшлари келади. Ўтган йили «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилишида Президентимиз билан учрашиб, илиқ сўзларини эшитишга муяссар бўлдим. Бу ҳам отам шарофати билан бўлди. Раҳмат, шунчалар эъзозлаб, ҳурматлашганига. Юртбошимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони чиққанлигини ойнаи жаҳонда эшитиб, ўғлим Жавлонбекка газеталарни олиб келиб, «Ўша Фармонни ўқиб бер», дедим.

Фармонда мустабид тузумда миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон, қанчалаб оилалар хонавайрон бўлганлиги ёзилган экан. Ана шулардан бири, шубҳасиз, бизнинг оила эди. Фармонда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш ҳам кўрсатиб ўтилган. Бизда Қодирийнинг кўплаб шахсий буюмлари, яшириб қолинган қўлёзмалари, нодир ашёвий далиллар сақланади. Буларни музей очилса, топширамиз...

— Отабекни отамга ўхшатаман, у ҳар лаҳза кўз олдимда гавдаланади. Қандай яхши инсон эдилар... — Адиба ая кўзига ёш олади. — Чунки у бегуноҳ эди, одамларга яхшилик қилишга ҳаракат қиларди. Юртимиз, халқимизнинг озод бўлишини ўйларди, холос. Унинг тиниб-тинчимас ҳаёти, эътиқоди юрагимга муҳрланган. Мен уни ўзим билан бирга олиб кетсам керак...

**Тўлқин ЁРҚУЛОВ**
**суҳбатлашди.**



*Поп туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги Марказий Фарғонанинг Аччиққўл массивига жойлашган. Чўл бағрида дуру-жавоҳир ундиришга аҳд қилган наврўзликларнинг бу йилги шаштлари баланд. Шу мақсадда 1283 гектар ерда ғўза ниҳоллари парваришланаётир. Ғўза шохларидаги мўл ҳосил нишонаси — гулу кўсакларни кўрган деҳқоннинг кўнгли яшнайди.*

***СУРАТДА: хўжаликнинг илғор механизатори Абдумалик Қўшоқов «Наврўз» далаларида.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ
2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

ҚЎШИҚ ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

*Қўшиқларда қадимий Термиз тарихи, беқиёс маънавий меросимиз ҳамда бугунги замон шукуҳи юксак бадиият билан тараннум этилиши лозим.*

**Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади:**

1 та биринчи мукофот - 300 минг сўм;
2 та иккинчи мукофот - 150 минг сўмдан;
3 та учинчи мукофот - 100 минг сўмдан.

*Танлов муддати шу йилнинг 1 октябригача.*

**Манзил: Тошкент ш., Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*

## «ЎзДЭУ Банк»:
# ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА 4 ЙИЛ

**Барча юртдошларимиз катта меҳнат зафарлари билан қаршилаётган байрамимиз — Мустақиллик кунига тобора яқинлашиб бораяпмиз. Истиқлолнинг ўн йиллик тўйи нафақат шодиёна, балки босиб ўтган йўлимизнинг сарҳисоби, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг тантанаси ҳам бўлади.**

**Бугун эътироф этиш керакки, Юртбошимизнинг банк тизими иқтисодий ислоҳотларнинг асоси ва катализатори бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғоялари ҳақиқатга айланди. Юртимизда бўлаётган ўзгаришларнинг изчиллиги, банк ва молия тизими тўғри йўлга қўйилганлиги бир қатор давлатларда рўй берган молиявий инқирозлар оқибатидан сақлаб қолди. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, халқаро молиявий институт ва чет эл банклари билан ҳамкорлик қилиш учун қулай шароитларни яратиб берди. Ҳозирда мамлакатимизда тузилган қўшма банклар муваффақият билан фаолият юритмоқда.**

**Бундай банклардан бири «ЎзДЭУ Банк»дир.**

Ушбу банк ташкил этилиши чоғида рақобатбардош нархларда энг юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиши кўзда тутилган эди. Банк амалиётларини тўлиқ автоматлаштириш, чет эллик ва Ўзбекистонда иш бошлаётган мижозларнинг ишончини қозониш орқали юртимизнинг иқтисодиётини ривожлантириш унинг олий мақсади этиб белгиланганди. Ҳозирги кунда ана шу кўзланган мақсадларнинг деярли барчаси амалга оширилди.

Лекин «ЎзДЭУ Банк»нинг ҳозирги куни ҳақида гапиришдан олдин 1998 йилнинг августидаги воқеаларни эсласак. Ўша вақтда кўп давлатларни ларзага солган молиявий инқироз банк мижозларини хавотирга солиб қўйгани сир эмас. «ЎзДЭУ Банк» бошқаруви раиси муовини Зафар Умаровнинг айтишича, ўшанда банкнинг барқарорлиги ва ишончлилиги ўз самарасини берган экан.

Ҳозирда «Дэу Секюритиз» компанияси — «ЎзДЭУ Банк»нинг асосий ҳиссадоридир. Бу компаниянинг Устав капиталидаги ҳиссаси 55 фоизни ташкил этади, 25 фоизи Европа Тикланиш ва тараққиёт банкига, 10 фоизи «Оптимал Эксес Инвестмент Лтд» (Малайзия) компаниясига, 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий Банкига ва шунча фоизи «Турон» банкига тегишлидир. Умумий Устав капитали эса ҳозирги кунда 10 миллион АҚШ доллари миқдорида шакллантирилган.

Энди банкнинг асосий фаолиятига тўхталсак, унинг кредит бўлими кенг қамровли хизмат турларини — кредит ва кафиллик, аккредитив ва банк кафолатини бериш, мижозларнинг кредитни қайтара олиши ва молиявий барқарорлиги таҳлили каби хизматларни кўрсатмоқда. У Халқаро аудит фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва Кенгаш томонидан тасдиқланган кредит сиёсати асосида фаолият юритаяпти. Банкда кредит бериш билан боғлиқ масалалар халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, коллегиал тарзида ҳал этиладди. Шу билан бирга, барча хизматлар миллий ма хорижий валюталарда амалга оширилади. Биринчи ҳолатда кредитлар ишлаб чиқариш корхоналарига, эркин айирбошлаш валютаси эса етакчи чет эл технологияларини жалб қилувчи лойиҳаларга берилади.

Банк ўз фаолияти давомида 300 дан ортиқ лойиҳаларга сармоя ажратди. Жумладан, тўқимачилик саноати, қадоқлаш маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш корхоналарини сармоя билан таъминлади.

Ҳозирги кунда банкнинг кредит портфели ярим миллиард сўмни, хорижий валютада 500 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Кредит бериш жараёнидаги лойиҳаларни таҳлил қилишда бўлим маҳаллий шароитга мос халқаро амалиётни қўллаб келмоқда.

«ЎзДЭУ Банк»нинг кредит бўлими, шунингдек, «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш» дастурига эга. Бу соҳада бўлим томонидан 1999 йилдаёқ муайян тадбирлар амалга оширилди, жумладан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан «Ташқи савдони молиялашда кафолатли хизматлар шартномаси»ни тузди. Ушбу шартноманинг асосий мақсади ички бозордаги экспорт-импорт амалиётларини қўллаб-қувватлаш ва кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришдан иборатдир. Бундан ташқари, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки «ЎзДЭУ Банк» томонидан 13 та, жами 1,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги импорт аккредитивларига кафолат берди.

Ҳозир республикамизнинг қимматли қоғозлар бозорида «ЎзДЭУ Банк» етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. ДҚМО (Давлат қисқа муддатли облигациялари)га қўйилган сармоялар 1,5 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Шунингдек, у «Пахтабанк», «Бизнес» банки каби бир қатор молиявий муассасаларнинг депозит сертификатлари билан ҳам иш юритиб келмоқда.

Айни чоғда «ЎзДЭУ Банк» чет эл валютасида ҳам иш олиб бормоқда. Ўтган даврда у жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларида вакиллик ҳисобварақларини очди.

Халқаро амалиётлар бўлими эса мустақил бўлиб, икки секторга — «Валюта амалиётлари ва тўловлари» ҳамда «Экспорт-импорт ва ташқи савдо амалиётларини молиялаш»га бўлинади. Банк ўз мижозлари бўлмиш ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларга, резидент ва норезидентларга валюта ҳисобварақларини очади, хорижий валютада депозитлар қабул қилади, сўмни ва аккредитив ёрдамида тўловларни хорижий валютага айирбошлайди, турли хил масалалар бўйича маслаҳатлар беради. Барча амалиётлар икки кун ичида амалга оширилади. Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида банк томонидан мижозлар учун 1012 та валюта ҳисобварағи очилди, шулардан 25 таси юридик шахсларга ва 987 таси жисмоний шахсларга дахлдордир.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи фаолиятини молиялаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йилнинг 1 июнида «ЎзДЭУ Банк» Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ишлаб чиқилган Ташқи савдони молиялаш дастурига киритилган эди. Бу аъзолик хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт-импорт амалиётларини тўғридан-тўғри молиялаш борасидаги банкнинг имкониятларини янада кенгайтирди. Шу йилнинг ўзида банк умумий ҳажми 13,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган импорт шартномаларини ва 14,1 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномаларини рўйхатга олди.

Банкнинг ютуқлари ҳақида гапирганда, албатта, унинг электрон тўлов воситалари тизимини, жумладан, кредит карточкаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда мингдан ортиқ мижозлар VISA пластик карточкаларига эга. Ушбу карточкаларни муомалага чиқариш ва шу асосда хизмат кўрсатиш 1999 йили, яъни банк барча сертификациялардан муваффақиятли ўтгандан сўнггина бошланган.

Карточка эгаларига хизмат кўрсатиш учун банк томонидан республикамизнинг 30 дан ортиқ савдо-хизмат кўрсатиш пунктларига электрон терминаллар ўрнатилди. Айни кунларда «Шератон-Тошкент», «Буми» ва «Ўзбекистон» каби меҳмонхоналар фақат «ЎзДЭУ Банк»нинг ана шу хизматидан фойдаланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда банк ўзининг замонавий дастурий-техник базаси билан жиҳозланган процессинг марказига эга. Бу марказ мамлакатимизнинг ўндан ортиқ банкларига хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «ЎзДЭУ Банк» халқаро Diners Club ва JCB пластик карточкаларини ҳам амалиётга татбиқ этмоқда.

Буларнинг барчаси қисқа муддат ичида эришилган муваффақиятлардир. Бу ҳақда банк бошқаруви раиси муовини Зафар Умаров шундай дейди:

— Шу йилнинг биринчи ярим йиллик натижаларига кўра, нақд пул тушуми касса режаси 112,7 фоиз бажарилди. Кирим ва эмиссия даражаси белгилангандан анча ортиғи билан уддаланди. Аҳолининг жамғармалари эса 440 миллион сўмдан 751 миллион сўмга кўпайди. Бу жамғармаларнинг асосий қисми чет эл валютасидадир.

Биз «Мижоз ҳамиша ҳақдир» деган шиор остида иш юритаяпмиз. Шу билан бирга, фаолиятимизни доимо такомиллаштириб бораяпмиз, биринчи галда асосий эътиборни мижозларга тез хизмат кўрсатишга, хушмуомалаликка ва улар учун қулайлик яратишга қаратаяпмиз. Натижада биринчи ярим йиллик якунларига кўра, мижозларимиз, яъни юридик шахслар 100 тага, жисмоний шахслар эса 500 тага кўпайди.

Мижозларни жалб қилишда, шубҳасиз, ходимларимизнинг юқори малакага эга эканлиги ва бир қанча тилда муомала қила олиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар молиявий муаммоларни ечиш ва бу борада энг қулай йўлни танлашда ёрдам бераётирлар. [t]



**КИЧИК ВА ЎРТА КОРХОНАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ДАСТУРИ:**

| Дастурнинг жами миқдори | Кредит миқдори | Кредит мақсади | Фоиз ставкаси |
|---|---|---|---|
| 1,500,000.00 АҚШ доллари | Мин. 30,000.00 Макс.300,000.00 | Жиҳозлар ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаш | Йиллик 12 фоиз |
| 300,000,000.00 АҚШ доллари | Мин. 3,000,000.00 Макс.30,000,000.00 | Айланма капиталини тўлдириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа мақсадлар учун | Йиллик 24-30 фоиз |

# ҲАВАС УЛҒАЙСА, ИХЛОСГА АЙЛАНАДИ

**Бунга Пайариқдаги спорт-соғломлаштириш маркази тимсолида яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин**

Фахриддин Жумаевнинг ихтисослиги — ҳуқуқшунос. У бир неча йиллар ўз соҳаси бўйича турли лавозимларда ишлади. Бурч-вазифасини ҳалол ўтади. Пировардида, Пайариқ тумани прокурори этиб тайинланди. Бу унинг зиммасига катта масъулият юклади. Айни пайтда болалигидан меҳр қўйган севимли машғулоти — спортдан воз кечмади. «Ҳамманинг кўз ўнгида қора терга ботган кўйи сакраб-чопиш, кимсан, прокурорга ярашмайди, тушунмаган одамлар устимдан кулади», демади. Аксинча, бўш вақти топилгани ҳамоно ўғилларини ёнига олиб, стадионга югурди. Хизмат либосини енгилгина уст-бошга алмаштириб, жисмоний машқларга зўр берди.

Турган гап, ҳавас улғайса, ихлосга айланади. Ана, исботи: прокуратура ходимлари, қўни-қўшнилар, маҳалла ёш-яланглари ота-бола Жумаевларга эргашишди. Бора-бора уларнинг қаторига қўшилишди. Бундан руҳланган Фахриддин ажойиб ташаббусга қўл урди. Туманда ўзига хос спорт-соғломлаштириш маркази очишни кўнглига тугди. Шу ниятда ҳамкор-ҳаммаслаклар қидирди. Улар ила маслаҳатлашди. Кўпчилик гапни бир жойга қўйди. Биринчи навбатда муқим қароргоҳ танлади. Туман ҳокимлигининг розилигига кўра, анчадан буён бўш ётган универсал дўкон биносини ижарага олди.

Қарабсизки, эзгу мақсад қанот ёйди. Қизиқувчилар сафи кенгайди. Ҳомийлар кўпайди. Спортнинг муай тай, Турон якка кураши, стол тенниси, гимнастика, каратэнинг Фудокан усули бўйича тўгараклар тузилди. Уларга раҳбарлик қилиш учун тажрибали мураббийлар таклиф этилди. Туман биринчилиги мусобақаларини ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Кейинчалик машғулотлар зали замон талаблари даражасида таъмирланди. Янги спорт анжомлари сотиб олинди.

Шу тариқа Пайариқда Фахриддин Жумаев асос солган спорт мактаби шаклланди. Ҳаял ўтмай унинг довруғи бутун вилоятга ёйилди. Боиси — мактабга, энг аввало, дарсдан сўнг ёхуд таътил кезлари бекорчихўжа бўлиб, кўча-кўйларда санқиб юрган, шу асно билиб-билмай ножўя йўлларга кириб қолган ўсмирлар жалб қилинди. Машғулотлардан ташқари, ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган суҳбатлар ўтказиб туриладиган бўлди. Баҳс-мулоқотларда ота-оналар ҳам иштирок эта бошладилар. Бу ўз самарасини берди. 2000 йил мобайнида туманда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар кескин қисқарди. Жорий йилнинг дастлабки ярмида эса батамом барҳам топди.

Иккинчидан, спорт мактаби том маънода ёшларнинг жисмоний-маънавий жиҳатдан чиниқишлари, ўз иқтидорлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун имкон яратувчи масканга айланди. Масалан, мактаб қошидаги туман каратэ федерациясини фаолиятини олайлик.

**Унга Европа Каратэ федерацияси вице-президенти Владимир Савченконинг шогирди Зариф Болтаев бошчилик қилади. Тўгаракка дастлаб йигирма нафар ўғил-қиз аъзо эди. Эндиликда юздан ошиб кетди. Улар ўтган йили мамлакат миқёсида ўтказилган беллашувда муваффақиятли қатнашдилар. Чунончи, Гулмира Қуроқбоева чемпионлик шоҳсупасини забт этди. Бобур Эргашев кумуш, Ҳилола Назарова бронза медални қўлга киритди.**

Дарвоқе, Зариф Болтаевнинг ўзи ҳам издошларига ибрат бўлгулик ютуққа эришди. Янги йил бошида Туркманистонда бўлиб ўтган Евроосиё чемпионатида кўпчиликни лол қолдирди. Эвазига 1-ДАН «Қора белбоғ» соҳиби бўлди. Айни ўша дамлар Зарафшон шаҳрида уюштирилган республика биринчилиги мусобақаларида Шаҳноза Қаршиева, Нурали Баҳриддинов, Сардор Очилбоев олтин, Висола Мажидова, Фурқат Ўрозов, Бобур Эргашев, Шуҳрат Қўшмуродов кумуш, Сирож Дониёров, Беркин Қўшмуродов, Озод Қоражонов, Илҳом Қобиловлар бронза медаллари билан тақдирландилар. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

Холис рақобат ва ҳалол ғалаба инсонни янги чўққилар сари етаклайди. Пайариқлик спортчилар келгусида Украинада ўтказилажак халқаро турнирда ҳам ўз маҳоратларини синаб кўришни мўлжаллаб турибдилар. Айни чоғда мактабнинг моддий-иқтисодий базасини ҳар қачонгидан мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Бундай ишларга туман прокуратураси ходимлари бош-қош бўлиб турибдилар. Бизнингча, уларнинг тажрибасидан бошқалар ҳам ибрат олсалар, фойдадан холи бўлмасди. Негаки, ёш авлодни ҳар томонлама етук-баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш барчамизнинг муқаддас вазифамиз ва шарафли бурчимиздир.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Гуллар ичра гул-гул ёниб турган бу моҳичеҳра аёл — «Андижонни гуллар шаҳрига айлантирамиз» кўрик-танлови ғолиби — Жамилахон Сатторовадир. У бир неча йиллардан буён Балиқчи туманидаги нотўқима матолар ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида меҳнат қилиш билан бирга турфа гулу райҳонларга меҳр қўйган. У парваришлаётган гуллар Андижон гулларининг энг сараси, деса ишонаверинг.

**СУРАТДА: Жамилахон Сатторова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Бокс: Халқаро турнир*

# ГАП СОВРИНДА ЭМАС...

**Наманганлик спорт мухлислари бир неча кундирки, шаҳардаги «Тўқимачилар маданият саройи»да бокс бўйича ажойиб баҳсларнинг гувоҳи бўлиб туришибди. Вилоят ҳокими соврини учун ўтказилаётган учинчи анъанавий халқаро турнирда узоқ ва яқин хориждан келган чарм қўлқоп соҳиблари, шунингдек, республикамиз вилоятларининг вакиллари ўз маҳоратларини яна бир карра синовдан ўтказишаётир.**

Биринчи бўлиб рингга чиққан малайзиялик Замзай Азизий бин Муҳаммад ва жиззахлик Аловиддин Норматовларни томошабинлар олқишлар билан қарши олишди. Ҳамюртимизнинг чаққонлиги ва ишончли зарбалари йирик ҳисоб (26:9) билан ғалаба қозониш имкониятини берди. Шундан кейин турнир мезбони Тўлашбой Дониёров Сирдарё вилояти вакили Маҳмуд Мирмаҳмудовни муддатдан олдин мағлуб қилди.

— Гап совринни қўлга киритишдагина эмас, муҳими, йигитларимизнинг кучи, маҳорати синовдан ўтаётганида, — дейди Малайзия терма жамоаси мураббийси Кален Асаев. — Юртингизга келиб, жаҳон боксида кучли бешликдан бирини эгаллаб турган Ўзбекистонда спортнинг бу турига эътибор анчагина кучли эканлигини ўз кўзим билан кўрдим. Наманганда яратилган шароитларни-ку қўяверинг.

Меҳмоннинг таъкидлаганича бор. Мамлакатимизда бокс оммавийлашуви йўлида қилинаётган ишлар чарм қўлқоп усталари сафи кенгайишига йўл очмоқда.

Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстлик ва спорт алоқаларини ривожлантириш, республика терма жамоасига муносиб номзодлар танлаб олишга хизмат қилувчи турнир беллашувлари тобора шиддатли тус олаётганлиги ҳаваскорлар орасида кучлиларнинг кучлиси аниқланажагидан нишона.

**О.РАЖАБОВ,**
**Қ.НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ҲИКМАТ

*Жон дўстинг*
*жонидан кечса ҳам,*
*Мол дўстинг*
*молидан кечмас.*


ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

**«Uzbekistan Development Gateway» лойиҳаси доирасида ташкилотингизнинг «Интернет» тармоғида информацион иштирокини таъминлаш мақсадида сайтингизни яратиш ва оммалаштириш каби тўла мажмуадаги хизматларини таклиф этади.**
«Интернет» тармоғида сизнинг сайтингизни яратиб, дунёнинг барча мамлакатларида ваколатхоналарингизни очамиз.

**Биз орқали ишланган сайтда сиз:**

- *ўз ташкилотингиз ҳақида барча керакли маълумотни жойлаштириб, полиграфия ва почта чиқимларида пулингизни тежаб қоласиз;*
- *интернет-адресга, масалан http://www.company.com ва кўпгина электрон почта адресларига, масалан name@company.com, эга бўласиз, қидирув тизимларида сайтингизни рўйхатдан ўтказамиз, шунингдек баннерлар айирбошлаш тизимига киритиласиз;*
- *бепул ва доимий асосда ўз хизмат ва маҳсулотларингизни маҳаллий ва чет эл мижозларга реклама қила оласиз;*
- *чет эл компанияларини жалб этган ҳолда тендер ва савдоларни бепул ўтказасиз;*
- *халқаро ва маҳаллий ҳамкорларингиз олдида ташкилотингиз имиджини ошира оласиз ва сиз билан ҳамкорлик қилиш имкониятларидан огоҳ этасиз.*



**Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 71, 1-қават.**

**Қўшимча маълумот олиш учун Латиф Норовга, Тошкентдаги қуйидаги телефонлар: 67-05-26, 67-87-18 ёки latif@cer.uz. орқали мурожаат қилинг.**

4530



**Жаҳонда, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Ўзбекистонда экспортбоп ва импортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ҳақида электрон ҳамда матбаа маълумотномаларни «КОМПАСС» тавсия этади.**
**Тел.: 144-78-67, 144-16-19.**



**Специализированное ремонтное управление «УЗКОММУНТЕПЛОЭНЕРГОРЕМОНТ», ныне преобразованное в ОАО «ЎЗКОММУНИССИҚЛИКТАЪМИР»,**

**ГОТОВЬСЯ К ЗИМЕ ЛЕТОМ!**

**производит КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ водогрейных и паровых котлов и котельно-вспомогательного оборудования,**

**в том числе ИЗГОТАВЛИВАЕТ бытовые водогрейные котлы с использованием различных видов топлива.**

*Все виды работ производятся из собственного материала ОАО «Ўзкоммуниссиқликтаъмир».*

4531

**Наш адрес: 700206, г.Ташкент, массив Юнусабад, квартал 17, дом 18.**
**Телефоны: 22-91-32, 22-87-57, факс 22-87-57.**







Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси атоқли драматург, адабиётшунос олим, академик **Иззат СУЛТОНнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети жамоаси сектор бошлиғи Рустам Саидовга отаси **Маннон САИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ва Касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси Президиуми Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги **Иззат Отахонович СУЛТОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси ходимлар бўлими мудири Абдуқодир Ғофуровга опаси **ХАБИБА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2615, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Ф. САНАЕВ.**
Навбатчи — **Ғ. ЖАБИЕВ.**
Мусаҳҳиҳ — **О. АБДУАЗИМОВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6